**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# *60611400 – Почта алоқаси технологияси* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 365
"25" 08 2021 й.ил

# СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

• Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети;

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365- сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | *60611400- Почта алоқаси технологияси* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.................................................... | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................ | 4 |
| 1.1.1. | 60611400 – *Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши................................................ | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари...................... | 4 |
| 1.2. | *60611400 – Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи............... | 4 |
| 1.2.1. | *60611400 – Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалавлар касбий фаолиятининг соҳалари..................... | 4 |
| 1.2.2. | *60611400 – Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалавлар касбий фаолиятининг объектлари................. | 5 |
| 1.2.3. | *60611400 – Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалавлар касбий фаолиятининг турлари...................... | 5 |
| 1.2.4. | *60611400 – Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.............................. | 5 |
| **2.** | ***60611400 –*** *Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган умумий талаблар .................................................. | 7 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар........................................................... | 7 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар............................................................. | 7 |
| | Библиографик маълумотлар....................................................... | 9 |
| | Келишув варағи........................................................................... | 10 |

## 1. *60611400 – Почта алоқаси технологияси* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

*60611400 – Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Таълим шакли бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалвриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. *60611400 – Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби *60611400 – Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалавр тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун маъсул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талаблари;

– бакалавриат битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълини бошқариш бўйича ваколатли далат органлари;

– олий таълим ташкилотини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентларб уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. *60611400 – Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. *60611400 – Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***60611400 – Почта алоқаси технологияси*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари давлат ва нодавлат корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда почта алоқаси технологиялари соҳасида комплекс масалаларни ечиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, илмий-тадқиқот марказлари, илмий-ишлаб

чиқариш бирлашмаларида илмий-тадқиқот ишларида иштирок этиш, лойиҳалаш усулларини тадқиқ қилиш; почта алоқаси корхоналари ва уларнинг тузилмавий тизимларининг барча шаклида хизмат кўрсатиш; ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида почта алоқаси хизматлари бозори ва мижозларнинг талабларини қондириш, почта алоқаси соҳасида мижозларга наъмунавий хизматлар кўрсатиш; почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда техник воситалар эксплутацияси ва почта алоқаси хизматини кўрсатиш ҳамда ундаги усул, услуб ва йўлларни умумлаштириш ва фойдаланиш, илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлашни ўз ичига олади.

**1.2.2. *60611400 – Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– давлат ва нодавлат ташкилотлар, орхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

– иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида ташкилот, корхона ва муассасалар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;

– почта алоқаси тизимлари, тармоқлари ва технологиялари; почта алоқасида ахборот технологиялари; почта алоқасида автоматлаштирилган тизимлар; ахборотлаштирилган лойиҳалаш тизимлари; почта алоқаси маркетинги ва логистикаси; почта алоқасида бошқариш тизимлари ва қурилмалари; почта алоқаси корхоналари хизмат турларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш жараёнлари; илмий – тадқиқот жараёни.

*60611400 – Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалавриат битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

**1.2.3. *60611400-Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

– ташкилий-бошқарув;
– ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
– лойиҳавий-конструкторлик;
– илмий-тадқиқот;
– консалтинг хизмати ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. *60611400 – Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари**

***60611400 – Почта алоқаси технологияси*** таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий

фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**

– лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш;

– замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;

– муҳандислик ва конструкторлик ечимларини амалиётга татбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– бирламчи конструкторлик, технологик ёки ишлаб чиқариш гуруҳ ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажарилаётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш ва назорат қилиш ҳамда натижаларни баҳолаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

– намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;

– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш;

– илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– почта алоқаси технологиясининг техник воситалари, қурилмалари, узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш тизимларини йиғиш ва ишга тушириш бўйича ишларни режалаштириш ва бажариш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятда:**

– почта алоқаси технологик жараёнларини автоматлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

– почта алоқасида инновацион технологияларига оид лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

– бажарилаётган тажриба ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;

– намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда почта алоқасига оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– почта алоқасига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда эксперементал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Консалтинг хизмати фаолиятида:**

– почта алоқаси соҳасида мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

– тайёргарлик ихтисослигига мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

## 2. *60611400 – Почта алоқаси технологияси* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**2.1.Умумий компетенциялар**:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши. ахборотларни йигиш. сақлаш. кайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар кабул кила олиш;
- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил кила олиш;
- соглом турмуш тарзи ва унга амал килиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эгабўлиш.

**2.2.Касбий компетенциялар**:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ташкилий тузулмаларни оптималлаштириш, корхонани бошқариш стратегиясини қўллаш тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлииш;

- Почта алоқаси хизмат турларини кўрсатишда мижозлар билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- почта алоқаси корхонаси фаолиятида ходимлар билан ишлаш билим ва кўникмаларига эга бўлиш;

- стратегик таҳлил қилиш, ракобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- почта алоқасида инновацион лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошкариш, ижрочилар фаолиятини мувофиклаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- почта бозори муҳитни ва унга хос хатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва бахолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- почта алоқаси корхоналарида хизмат кўрсатишнинг замонавий усулларини қўллай билиш;

- почта алоқаси хизмат турларидан фойдаланиш кўрсаткичлари бўйича ҳисоботлар тайёрлаш ва уларни юритиш уқувига эга бўлиш;

- корхонанинг ривожланиш стратегиялари ва дастурларини амалга оширишда янгича ёндашув ва қарашларга эга бўлиш.

- музокаралар. учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

---

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари. профиль, ўкиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври почта алоқаситехнологияси,тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни. сифатни бахолаш ва назорати, мустакил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошкарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошкарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқикот жараёни.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:**

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги**
**Тошкент ахборот технологиялари университети**
**Ректор в.б. ____________ Б.Маҳкамов**

202__ йил «_____» __________
**М.Ў.**

**КЕЛИШИЛДИ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш маркази директори в.б.**

**_______________ М.Эсонов**

**202_йил "    " ____________**
**М.Ў**

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва соҳа кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўлими бош мутахассиси**

**______________ Х. Собиров**

**202_йил "    " ____________**
**М.Ў**

**"BTS Express Cargo Servise" MChJ**

**Бош директор _________ Б.Жалолов**

**202___ йил «_____» ____________**
**М.Ў.**

**"Ўзбекистон почтаси" АЖ**
**Ишлаб чиқариш бўйича директор**

**_______________ А.Раҳимов**

**202__ йил «____» ____________**
**М.Ў.**